



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 июл, шанба № 105 (937)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Қўрилган муҳим чора-тадбирлар тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Фақатгина ҳисобот даврининг ўзида 18 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинди. Бугунги кунда уларнинг умумий сони 175 мингдан ортди. Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш ҳисобига 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар кўпдир.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 июл куни Оқсарой қароргоҳида Япония парламенти вакиллар палатаси депутати Мунео Судзукини қабул қилди.

Сизнинг Ўзбекистон билан Япония ўртасида барча соҳалар бўйича алоқаларни ривожлантиришдаги хизматларингизни юксак қадрлаймиз, - деди Президент. - «Буюк ипак йўли»ни тиклашдаги санъи-харакатларингиз ҳам таҳсинга лойиқдир.

Учрашувда Ўзбекистон-Япония муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, мамлакатларимиз қонун чикарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида ўзаро фикр алмашилди. (ЎзА)

## БИЗНИНГ БИЛИМДОН БОЛАЛАР

чет тилларини пухта эгаллашди

Хозир ҳар бир туманда камидан биттадан иқтисодий болалар мактаби ишлаб турибди. Музрободдаги Дўстқобил Кодиров, Нормурод Жумаев раҳбарлигидаги мактабларда болалар худди Англияда ёки Германияда юргандек бемаълум инглиз ва немис тилларида гурунглашаётганини кўрасиз.

Яна бир қувончли томони, юқоридаги олмасканларида сабоқ ланларнинг 80-90 фоизи олий ўқув юртлирга ҳеч қийналмай кириб ўқишмоқда. Хуллас, мустақиллик ёшлар тақдирини катта бурилиш ясаётганлигига яна бир қарра амин бўламиз.

Шу йилнинг ўзида Саросиё, Қизирик, Қумқўргон, Денов туманларидаги коллежлар биналари таъмирланди. Эндиликда ёшлар кенг ва ёруғ хоналарда таълим олишяпти. Абдумалик Абдужабборов, Абдумажид Тўраев, Рустам Мардонов ҳамда Нормурод Назаров етакчилигидаги билим масканлари замон талаблари асосида жиҳозланди.

Мана бу компьютерларни кўрапсизми? - дейди Термиз маиший хизмат коллежи директори Чори Жумаев. - Ёшлар пухта билим олишида унинг аҳамияти катта.

Эндики ёшларга ҳавасинг келади, - дейди шерободлик фермер Жўра Раҳматуллаев. - Масалан, бундан ўн йил аввал «Ўлим, бориб дала билан беғона ўтдан тозалаб кел», десам ишга бўйин ёр бермасди. Энди-чи? Уч ўғлим бор. Ҳаммаси уйли - жойли, учаласи тонг сахардан туради. Қўлида ҳисоблагичи бор. Қайси далада қанча галла етиштирилди, неча центнердан ҳосил олинди, бу фермер хўжалигига неча сўм соф фойда келтирди, қўйни семиртиришга қанча озуқа бирлиги талаб қилинади - ҳамма-ҳаммасини бир зумда ҳисоблаб беришди. Ха, ёш авлод вакилларида хусусий мулкка эгаллик ҳисси қарор топди. Бу - жамият тараққиётининг энг муҳим шартларидан бири. Яна бир гап. Деҳқон илм-фан кўникмаларисиз узоққа бориб бўлмаслигини англаб етди. Мисол учун, мен икки ўқув юртини битирганман. Тадбиркорликка доир мақола ва қўлланмаларни мунтазам ўқийман. Бултур Н.Муродов номли хўжалик худудидида 40 гектар ерда пахта етиштириб, юқори ҳосил олди. Бу йилги режамиз ҳам чакки эмас. 45 центнерни кўзлаб турибмиз. Биласизми, қишлоқда яшаётганлар эндиликда меҳнат қилган одам хор бўлмаслигини, аксинча бой бўлишга имконият яратилганини тушуниб етишди. Бу - шубҳасиз,

катта ютуқ. Бандихонда Шерали Нормуродов деган фермерни ҳамма билади. Йигирма йиллар аввал отаси эшак, туя, от миниб юрарди. Ўзи меҳнаткаш одам бўлса-да, топган маблағи рўзгордан ортмас эди. Энди эса ўғлининг «Нексиа»си бор. Файрати хўшиб кетса кичикроқ самолёт сотиб олиши ҳеч гап эмас. Бунга қандай эришди? Истиқлол берган имконият туфайли. Икки қаватли уй қуриб олган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, аввал деҳқон ёки чорвадор енгил машина, кўш қаватли уйни орзу қила олармиди?

Тўқсонинчи йилларга-ча хатто ўн-ўн беш бош қорамол, йигирма-ўттиз бош совлик боққан киши ҳадиксираб турарди. Эндиликда Бойсун, Қумқўргон, Жарқўргон туманларида айрим зиёли одамларнинг ҳам кўрасида ўнлаб қўй-эчкиси маъраб турганлигини кўрасиз.

Қизириклик Хушбоқ бахши Мардонқулов, Абдуназар бахши Поёнов, шерободлик Шодмон бахши билан ангорлик Чоршанба бахши одамлар турмуши, онгидидаги фаолиятимиз кўнгли чоғ бўлиб термалар айта бошладилар. Тўйлар ва турли тадбирларда ўзбек халқ дostonларини маҳорат билан ижро этишмоқда. Истиқлол кўйчилари хатто бир неча дostonлардан иборат китоблар ҳам нашр эттирдилар.

Ўйлаб кўрайлик, илгари Сурхондарёда Абу Ҳаким Термизий, Хўжа Исо ат-Термизий, Султон Саодат макбаралари, тарихий обидлар хароба ҳолда эди. Уларга қараб - қараб юраклар ачишарди. Эндиликда ана шу табаррук зиёратгоҳлар тартибга келтирилди, чирой очди.

Бир ой аввал қизириклик муаллим Аҳмад Жаҳонгиров Термиз шаҳрини кўриб, жуда-жуда хайратланиб қайтди. - Ўғлим, қўйил қолдим, - дейди у ҳаяжонини янара олмади. - Шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи олди-дан Термиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди! Илгари етмиш йилда бўлмаган ишлар тўққиз йилда битиб кетибди. Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканини ҳар қадамда ҳис этдим.

Жовли ХУШБОҚОВ, «Ишонч» мухбири.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

21 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мажлисда маъруза қилди.

обрўсизлантиришга олиб келади.

Мамлакатимизда яхши ишлаб, фойда олаётган қишлоқ хўжалик ширкат корхоналари талайгина. Лекин уларнинг аксариятида пайчиларга дивиденд тўлаш масалалари ҳал этилмаган. Хўжалик ва пудратчилар, фермерлар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятла-

деб таъкидлади.

Бу йил қиш ва баҳорнинг нисбатан қуруқ келиши оқибатида қишлоқ хўжалик экинларини сув билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар рўй бермоқда. Айниқса, Амударёнинг қуйи оқимида - Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари сув танқислиги жиддий муаммо бўлиб турибди. «Биз

ши кўпайди. Кўпгина юртдошларимиз банклардан микрокредит олиб, ўзларини иш билан таъмин этдилар. Лекин банклар аҳоли қўлида бўш турган маблағларни жалб этиш масаласига етарли эътибор бермапти. Банклардаги бундай маблағлар жами жамғарманинг бор-йўғи икки фоизини ташкил этиши ҳам шундан да-

ларини хориж сармоясига кўмағида қайта таъмирлаш ва жаҳон андозларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шу куннинг энг долзарб талаби экани қайд этилди. Бу масалага панжа орасидан қараш ҳолларига мутлақо чидаб бўлмайди. Айни пайтда, барқарор ишлаётган ва фойда келтираётган корхоналар арзон-гаровга четга сотиб юборилмаслиги даркор.

Кун тартибидидаги масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ў.Исмоилов, Бош вазир ўринбосари А.Исаев, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев, Андижон вилояти ҳокими К.Обидов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Қамолов, Адлия вазири А.Полвонов, «Пахтабанк» бошқаруви раиси Ж.Сайфиддинов, Олмалик конметаллургия комбинати директори В.Сигедин ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

Муслулмон НАМОЗ, ЎзА мухбири.



Юртбошимизнинг маърузасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар жараёнида сезиларли ўзгаришлар рўй бергани қайд этилди. Жумладан, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, барқарор иқтисодий ўсиш кузатилди. Ўтган вақт мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 7,1 фоизга ўсди. Пул қадриятининг ўртача ойлик даражаси 1,5 фоизга пасайди. Давлат бюджети 9,8 миллиард сўм профицит билан бажарилди. Экспорт ҳажми сезиларли даражада ошиб, ташқи савдо балансида 162 миллион АҚШ доллари миқдоридида ижобий салдоғо эришилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида қишлоқда иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ўтказилаётган ислохотларнинг кўп ҳолларда деҳқонларгагина етиб бормайганини танқид қилди. Деҳқончиликда оила пудратли тобора кенг ёйилиб бо-

раётган бўлса-да, хўжаликларнинг ички ҳисоб-китобида пудратчиларнинг меҳнати алоҳида қайд этилаётгани йўқ. Бу эса жойларда эскидан қолган текисчилик иллатларининг қайта юз кўрсатишига олиб келимоқда. Деҳқон ўзини ернинг тўла ҳуқуқли эгаси, деб ҳис қилиши ва меҳнати самарасидан тўла баҳраманд бўлиши даркор. Деҳқоннинг меҳнатини тўғри баҳолаш масалаларига яраша ҳақ тўламаслик адолат тамойилларининг бузилишига, ислохотларни

қорақалпоқ ва хоразмлик деҳқонларни қийинчиликлар қаршисида ёлғиз ташлаб қўймаймиз, уларга қўлимиздан келган барча ёрдамни берамиз», деб таъкидлади Президент Ислам Каримов.

Бугунги кунда иқтисодий ислохотларнинг бориши кўп даражада банклар фаолиятига ҳам боғлиқ. Бу ўринда ўтган ярим йил давомида ижобий силжи борлигини қайд этиш лозим. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз фаолиятини кенгайтириш учун банклардан кредит оли-

лолат бериб турибди. Ҳолбуки, бундай маблағлар ҳам иқтисодий ўсиш жараёнига сарф этилиши мумкин эди. «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бугунги кунда биз учун ҳаёт-мамот масаласи, десак янглишмаймиз», деб таъкидлади Президентимиз.

Мажлисда хусусийлаштириш жараёнига, айниқса, саноат корхоналари акцияларининг хорижий сармоядорларга сотилиши масаласига алоҳида эътибор берилди. Йирик саноат корхона-

## ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ - ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислохотларнинг 2000 йил биринчи ярми яқунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Бугунги йилги ижтимоий-иқтисодий бош мақсади - ўтган ярим йил мобайнидаги фаолиятимиз яқунларини, қўлга киларитган ютуқларимиз, йўл қўйган хато ва камчиликларимизни қатъий мезонлар асосида танқидий баҳолаб, йил охиригача олдимизда қандай вазифалар турганини белгиллаб олишдан иборат, десам, ўйлайманки, бу фикрга қўшилисиз.

Биз Иккинчи қаҳирқ Олий Мажлис биринчи сессияси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2000 йилда ислохотларни чуқурлаштиришга бағишланган мажлисида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиққан эдик.

Бу дастурни жорий этишдан қўзланган асосий мақсад - Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислохотларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор олга бориши учун мустаҳкам замин яратишдан иборат.

Бинобарин, Ватанимиз ва халқимиз фаровонлиги ана шу стратегик вазифа ва белгиланган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда барчамизнинг изчиллигимиз ва қатъиятлимизга боғлиқдир.

Жорий йилнинг ярим йиллик яқунлари ҳақида қай бир экан, мен аввало мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланиши билан боғлиқ бўлган қуйдаги энг муҳим, ҳал қилувчи масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа - бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукамаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шартли бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир.

Биз 1996 йилдан буён ҳар йили яппи ички маҳсулот ўсишига эришиб келмоқдамиз. Бу кўрсаткич жорий йилда ҳам қарийб 3,8 фоизни ташкил этди. Бунга саноат ишлаб чиқаришининг янада ўсиши (6,2 фоиз), истеъмол товарлари ишлаб чиқаришини ошириш (7,1 фоиз), чакана товар айланишининг кўпайиши (5,3 фоиз), пулли хизмат

кўрсатиш ҳажми (14,7 фоиз) ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг (7,1 фоиз) ортиши ҳисобидан эришилди.

Барчангизга маълум бўлиши керак: жорий йилда қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва самарадорлиги яна бир қийинчиликка - сув танқислиги ва қуруқчиликка дуч келди.

Бугун мамлакатимизда, энг аввало, Амударё ҳавзасида, айниқса, унинг қуйи ўзанида сув танқислиги билан боғлиқ кескин вазият юзага келди. Назорат ўлчовлари бўйича, дарёдаги сув ҳажми экинлар ривожланганидан даврда, июни ойларида кейинги 5 йилдаги ўртача йиллик сув ҳажмининг 36 фоизини ташкил этди.

Оқибатда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоятларнинг сув билан таъминланиши кескин қамайди. 15 юлгача бўлган маълумларга кўра, қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш ишлари қатор туманларда экин майдонларининг атиги 60 фоизини ташкил этган.

Бунинг натижасида каттагина нобудгарчилик юз берди - бир қанча майдонлардаги галла ва гўза ҳосилини йўқотдик. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам шундай за-

рар кўрди. Қуруқчилик туфайли аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида яхши ташкил этилгани алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзингиз айтинг, бундан атиги бир неча йил аввал қўллаб хўжалиқлар ва бутун бир туманлар бугунги кунга келиб гектардан 60-70 центнердан ҳосил олишини тасаввур қила олармидик?

Бугун мамлакатимизда бошоқли дон экинлари етиштириш селекцияси ва агротехнологиясининг ўзига хос мактаби шаклланимоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. Шу саховатли заманимизда, меҳнаткаш халқимизга хос бўлган галлакорлик маҳорати, дон етиштиришга муносабатининг кўп асрлик бой маданияти, қадимий анъаналари қайтадан тикланимоқда.

Азиз юртдошларим! Фурсатдан фойдаланиб, мана шу юксак минбардан туриб, барча деҳқонларимизга, ҳеч муволағасиз айтганда, кучли сув танқислиги ва табиат инжиқликлари шароитида мардонавор меҳнат қилган, ерга меҳ-

ривчи бериб мўл ҳосил етиштирган, мамлакатимиз аҳолисини нон билан таъминлаш йўлида заҳмат чеккан жамияти юртдошларимизга бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу йил сабзавот, мева-чева ва полиз ҳосили ниҳоятда сероб бўлди. Худонинг ўзи бизга ана шундай мўл ҳосил ато этди.

Барчамизнинг бурчимиз - деҳқонларимизнинг пешона тери, ҳалол меҳнати эвазига етиштирилган бу ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликдан иборат. Деҳқон ва фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотни тўла-тўқис сота олиши, уларнинг йил бўйи қилган меҳнати мўносиб тақдирланиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўриш лозим.

Авваламбор, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг, бошқона идораларини, ички ишлар органларини, транспорт ташкилотларини раҳбарлари хукуматимиз томонидан қабул қилинган сабзавот, мева-чева ва полиз маҳсулотларининг янги ҳосилини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтиришга

ривчи бериб мўл ҳосил етиштирган, мамлакатимиз аҳолисини нон билан таъминлаш йўлида заҳмат чеккан жамияти юртдошларимизга бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу йил сабзавот, мева-чева ва полиз ҳосили ниҳоятда сероб бўлди. Худонинг ўзи бизга ана шундай мўл ҳосил ато этди. Барчамизнинг бурчимиз - деҳқонларимизнинг пешона тери, ҳалол меҳнати эвазига етиштирилган бу ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликдан иборат. Деҳқон ва фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотни тўла-тўқис сота олиши, уларнинг йил бўйи қилган меҳнати мўносиб тақдирланиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўриш лозим.

Авваламбор, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг, бошқона идораларини, ички ишлар органларини, транспорт ташкилотларини раҳбарлари хукуматимиз томонидан қабул қилинган сабзавот, мева-чева ва полиз маҳсулотларининг янги ҳосилини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтиришга

(Давоми 2-3 - бетларда)





# БАҲРОМ ПОЛВОН



Оққан дарё оқаверади. Чинорлар илдизидан чинорлар етлади. Қашқадарёлик Баҳром Авазовнинг ўзбек миллий кураши бўйича иккинчи жаҳон чемпиони бўлгани ҳақидаги хушxabарни эшитиб, кўнгилдан шу сўзлар ўтди. Ҳақиқатдан ҳам инсон вужудида Она заминининг ҳарорати, кўёшининг тафти, улуғ бобокалонларининг руҳи яшайди. Ким билади дейсиз, паҳлавонлар юртида камолга етган, бугун Ўзбекистон фахрига айланган Баҳром полвоннинг қонида ҳам баҳодир боболарнинг қони оқаётган бўлса, не ажаб. Ўзига ишонч, қондаги жўшқинлик ва интилиш унга ҳамшиша куч бағиш-

лади. Кураш майдонларида фақат ўз иқтисорига суяниб, муваффақиятсизликлардан чекинмади. Натижада у нафақат Қашқадарёнинг, балки 90 килограмм вазндаги республикамиз полвонларининг етакчисига айланди. 1992-96 йилларда Шаҳрисабзда ўтказилган кураш бўйича Амир Темури хотира турнирларида 81 килограмм ҳамда мутлоқ вазн чемпиони бўлди. Паҳлавон Маҳмуд халқаро турнирининг дастлабки мутлоқ ғолиби сифатида элга танилди. Мардлик ва жасорат, ҳалоллик ва қатъият Баҳром полвоннинг шioriга айланган, галабалар кетидан галабаларни бошлаб келаверди. Бу ҳақда чемпионимиз шундай дейди:

Гурунг борган сари фазийбешларди. Дастурхондаги мевалардан тановул қилиб, аччиқ кўк чойни хўшлаб, улфатлар дил чигилини ёшишарди. Айниқса, бунақа пайтларда Ўшқўлат давранинг гулига айланади. У айтган латифалардан чойнада гуруллаб кулгу янграр, бошқа сўридагилар эса бу хушчақчақ улфатларга ҳавас билан қараб қўйишарди.

Ош сузилишига яқин Файзулло босарамжон бўла бошлади. У дам-бадам соатига қараб қўяр, жўрабошига илтижоли назар ташларди. Охири тоқати тоқ бўлди шекилли, жўрабоши зарда қилди:

— Ҳа, Файзи, яна питирлаб қолдинг. Нима, оёғинг кўйдими?  
— Мени кечиринглар, кетмасам бўлмайди...  
— Ўзи бир жойда ҳеч тиниб ўтирасанми? - ранжиди Илёс, - сенга ўзи гапдан ҳам чап зарур экан-да!  
— Бугун жуда зарур... Рухсат беринглар...  
Улфатлар бири олиб, бири қўйиб қойишди. Файзулло қўлини кўксига қўйиб, уэр сўраб, узоқлашди.  
Давра бир қадар совуди. Файзуллонинг бу одатидан гаши келиб юрадиган Умрзоқ тўнгиллади:  
— Эрак деган бундоқ бир ерга борса босиб ўтиради. Соат олти бўлди ўтиролмай қолади. Хотиндан қўрқиб ҳам эви билан-да.  
— Ошни сузаверайми? — қўлларини

## МЕҲР

сочиққа артатуриб сўрига яқинлашди Абдукарим, - ие, Файзулло қани?  
— Бир кўрпада тепишиб катта бўлганинг кетди, мулоқати тугаган экан, - зарда қилди Умрзоқ.  
— Бозорга тушаман, онам анжир сўровди, дейётувди, - аттанг, бир қисм гуруччи ошиқ солувдим, бир коса берий юбораман дедим. Дуо қиларди онахон, ахир тўқсондан ошган-а...  
Даврага ноқулай жимлик чўкди. Абдукарим лаганларни олиб қозонбошига кетганда Аҳдам Умрзоққа ўқрайди:  
— Тилингни тий, оғайни, биронтамиз ҳам охирини суриштирмабмиз. Билардик-ку онаси отасидан сўнг ёлғизланиб қолганини...  
Улфатлар катта чинни косага ошни босиб, Файзуллоларниқига кириб келишганда ажиб манзаранинг устидан чиқишди: Файзулло анжирларни ювиб, пўстини сал-пал артиб, узатиб турар, нуруний онаси эса, дуо қилиб ерди. Абдукарим улфатларга шивирлади:  
— Ҳадисларда ўқигандим. Пайгамбаримиз: «Одамлар ичда хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эрак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи бу унинг онасидир.» деган эканлар.  
Улфатлар ҳали ҳовури қайтмаган паловни онахоннинг олдида қўйишди:  
— Олинг, ойжон, совумасин. Ахир биз ҳам фарзандларингизмиз.

Темур УБАЙДУЛЛО.

### Чемпионлар ҳақида ҳикоялар

## ОТА ЎҒИЛ СЎЗИДА ТУРДИ

Кўхна Сурхон замини азалдан кураги ерга тегмаган мард ва жасур полвонлар юрти. Зотан, бу юртнинг эндигина оёғи чиққан ўғли ҳам белбиди белбоғи билан кураш тушади. Ҳар бир сурхонлик «насиб этса, ўғлимнинг суннат тўйида кураш бераман», деб ният қилади.

Бугун Сурхондарё паҳлавонларининг ўзбек миллий кураши ривожига, унинг дунёга танилишига хиссалари катта. Бинобарин, улар кўп марафат турли халқаро турнир ва чемпионатларда бел олишиб, Алнинг майдонидан ғолиб бўлиб чиқдилар. Сўзимиз исботини миллий курашимиз чемпиони — Тоштемир Мухаммадиев ва Махтумқули Махмудовлар ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Махтумқули полвоннинг отаси Худойберди оға сўзлайди:

— Биласиз, Сурхоннинг тўйлари курашсиз ўтмайди. Махтумқулининг икки ёшидан бошлаб тўй курашларига олиб борардим. Дўстларимнинг бари полвон. Шу боис суҳбатимиз фақат полвонлик ва полвонлар ҳақида бўларди. Хали ҳеч нарсанинг фарқига бормаган Махтумқули гурунларни мароқ билан тинглар, гоҳо бўйинига осилиб «ота, мэн ҳам сиздай олишаман», дәрди.

...Эсимда, аини кўклам эди. Бир гуруҳ ўртоқлар билан «Хўжамко» тоғига чиқиш учун йўлга отландик. Йўлда, Шеробод қирларида тумонат одамга дуч келдик. Қарасак, ёшгина болақайлар кураш тушаётти. Буни кўрган Махтумқули ҳам ўзидан жуссаси кичикроқ бир бола билан беллашди. Рақибни анча чайир ва чакқон экан, ғолиб бўлди. Бу Махтумқулига жуда

ди. Кўлларини баланд кўтариб, муҳлислари олқишига сазовор бўлади. Курашнинг бутун сир-асрорларини отасидан ўрганган полвон майдонда ўзини гоздек эркин тутайди.

Ангор туманидаги 4-умумтаълим мактабда ўқиб юрган кезларида Махтумқули жисмоний тарбия дарсларига жуда қизиқарди. Жазирама иссиқда ҳам ўйингоҳдан бери келмайдиган бу йигитни ўқитувчилари кўп қойишарди.

Махтумқули илк бор 1983 йили 7-синфда эканлигида самбо бўйича республика биринчилигига борди. Бироқ унга мусобақаларда қатнашиш насиб этмади. Сабаби унинг вазни 31 килограмм бўлиб, бу талаб қилинганидан икки кило оз эди. Йўғлаб қайтган Махтумқулига онаси Ҳайитгул опа далда берди:

— Қўй, болам, йўғлама. Ҳали жуда кўп мусобақаларда қатнашсан. Фақат тинимсиз шугуллан. Эртадан-кечгача машқ қил.

Ўғлидаги спортга, хусусан курашга нисбатан катта қизиқиш, меҳр борлигини кўрган отаси Худойберди оға уни қасаба уюшмалари тасарруфидани Термиз спорт мактабига олиб келди. Бу ерда тажрибали устозлардан илм олган Махтумқули 1986 йили самбо кураши бўйича республика биринчилигида 57 килограмм вазнда иштирок этди. Спортдаги биринчи парво-

зи бўлган ушбу мусобақда у ўз вазни тоифасида иккинчи ўринни олди. Йиллар эса мисоли шамол — елиб ўтавердилар. Махтумқули кўп ютуқларга эришди. 1988 йили Москва шаҳрида самбо асосчиси Харлампев хотирасига бағишланган халқаро турнирда биринчи ўринни олиб, халқаро спорт устаси унвонига сазовор бўлди. Самбо кураши бўйича 6 марта мамлакат чемпиони Махтумқули 1995-97-99 йилларда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирларда 73 килограмм вазндаги полвонлар ўртасида ғолиб бўлди. Бундан ташқари, у Мўғулистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ҳамда I жаҳон чемпионати совриндори.

Куни кеча эса бутун жаҳон бўйлаб яна бир хушxabар тарқалди: Махтумқули Махмудов миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони!

— Менинг бу даражага етишимда энг аввало илк устозим отам, қолаверса вилоят қасаба уюшмалари Кенгашига қарашли спорт мактаби мураббийлари сабабчидирлар, — дейди Махтумқули. — Айниқса, ушбу жаҳон чемпионатига мени тайёрлаган устозим Алишер Норбоевдан чексиз миннатдорман.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

### УМИДЛИ ДУНЁ

Бугун мамлакатимизнинг қайси билим юртига борманг, илим толиблари — абитуриентлар, ота-оналар билан гавжум эканлигига гувоҳ бўласиз. Эеро, истиқлол йилларида янгилиниш йўлига кирган олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида аини кунларда абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни қизгин паллага кирган.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳам бугун хоржий тилларнинг ҳақиқий билимдонли бўлиш иштиёқида бўлган ёшлар билан тўла. Университет жомаси эса абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига барча шарт-шароитларни яратиб беришган. Узоқ вилоятлардан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланган.

— Ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилиш учун ҳайрат аъзорли қатий режа асосида иш олиб бормоқдалар, — дейди университет қабул ҳайъати масъул котиби, доцент Эргаш Солижонов. — Шунингдек, абитуриентлар тест синовлари вақтида хатоларига йўл қўймасликлари учун уларга аввалдан белгиланган жадвал бўйича тавсия-маслаҳатлар бериб борилмоқда.

20 июндан то ҳозирги кунга қадар 4 мингга яқин абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинди. Бу микдорнинг янада кўпайишига шубҳа йўқ. Уларнинг орасидан 1417 нафар энг билимдон ёшлар талабалikka қабул қилинган.

Лайло МИРЗАЕВА.

Шўрчи туман Маданият уйининг «Кумуш тола» халқ ансамбли қошидаги «Булбулигўё» фольклор-этнографик дастасида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган халқ талантларини учратиш мумкин. Улар ижросидаги қўшиқ ва рақслар элга манзур бўлиб келади. Шунинг учун ҳар йили республиканинг турли тадбирларида иштирок этишга таклиф қилинадилар.

Суратда: истеъдод соҳибалари Гулчехра Имомова, Феруза Жумаева ва Ҳайитгул Соатовалар.

Д.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



### Сиз бунга нима дейсиз?

Тахририятимизга Гиждудов тумани «Оқ олтин» жамоа хўжалигиндан шикоят хати келди. Махтумқули ибтидоидан интихосига нукул бир инсон — хўжалик раҳбари фаолиятдан норозилик туйғуси уфуриб турарди.

Яна бир эътиборли хикоят шундаки, хат охирида «нобақор» раис устидан туман, вилоят, республиканинг кўплав нуфузли идораларига ҳам шу мазмундаги хатлар бот-бот ёзиб юборилганлиги таъкидланган эди.

Биз кеча ким эдик, бугунчи? Дунёда миллатлари элатлар кўп, халқлар кўп. Аммо уларнинг ҳаммасининг ҳам эрки, инсон-ихтиёри ўз қўлидами?

Яқин-яқингача ўзбек ҳам ҳадиқ ва ўқиниш ила ўз-ўзига шу саволни бериб келарди. Шукрки, бугун халқимизнинг кўкси баланд. Ўз эрки ўз қўлида. Ёт тузум, четдан бошқарув, бегона мафкура ва сиёсатга қарамакчилик фориғимиз.

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб, вужудимизда яшаётган, томиларимизда гупуриб-гупуриб оқаётган МЕҲР-ОҚИБАТ, ИНСОНИЙЛИК, ИЙМОН-ЭЪТИҚОД, МУРУВВАТУ САХОВАТПЕШАЛИК, МУҲАББАТ туйғулари яна дилларимизга офтобий ҳарорат бағишламоқда. Тош қотган қалбларимиз исимокда. Сўқир кўзларимиз равшанлашмоқда. Нури истиқлол туйғули ўзимизга, ўзлимиз-

бот йўғилиши ўтаётган экан. Гарчи бироз ноқулай бўлса-да, йўғилиш ҳайъатидан уэр сўраб Акрам отани суриштирдик. Ҳатто у кишига одам юборил-

## ХАТБОЗЛИК

### БИЗГА ҲЕЧ ҚАЧОН ЯХШИЛИК КЕЛТИРМАЙДИ

ди ҳам. Лекин отахон негадир йил сарҳисобига келишни ўзларига эп кўрмадилар. Йўғилиш охирида бир гуруҳ хўжалик аъзолари, ўрта звено кадрлари, фахрийлар иштирокида шикоят хатида қаламга олинган бандлар жуссусида ҳам бафуржа гаплашиб олдик.

Ўзаро суҳбат жараёнида кейинги 2-3 йилдан буён аини А.Акрамовнинг юқори ташкилотларга йўллаган шикоят хатлари асосида бир неча марафат таъкидланган келиб-кетганлиги маълум бўлди. Ҳатто масалага ойдинлик киритиш мақсадида туман прокуратураси ҳам бир неча бор текширув ўтказган.

Ачинарлиси шундаки, ўнлаб, юзлаб кишиларнинг қимматли вақтлари беҳудага кетса-да, хат талқинидаги бирор-бир банд ўз исботини топмаган.

Шу тариқа хўжаликда рентабеллик даражаси ортиб бориши кузатилаётти. Ваҳолонки, меҳнат фахрийси А.Акрамов эса шикоят хатида бутунлай тескари фикрларни илгари сурган эди. Нега? Жамоа аъзоларининг ҳалол меҳнати эвазига эришилган ютуқларни қўриб кўрмасликка олишга уни ким ва нима мажбур этди?

Ўз хулосаларини баён қилган меҳнатчилар вакилларининг фикр-мулоҳазаларидан шу нарса маълум бўлдики, кейинги пайтда А.Акрамов янги раиснигина эмас, балки бошқа жамоада таъкидланган (13-банддан иборат) тафсилотлар шу кунги хўжалик вакиллари иштирокида бўлган ошқора мулоқот чоғида ҳам мутлақо тасдиқланмади.

Жамоа хўжалиги бундан 3-4 йил муқаддам қоқоқлик гирдобига тушиб қолганлиги аниқ, лекин раҳбар келган, ишдаги силжиш кўзга аққол ташланиб бораётганлигини фактлар тас-

диқлаб турарди. Хўжаликда 1997 йилда пахта тайёрлаш режаси 99,6 фоизга, 1998 йилда 103 фоизга, кейинги йилда эса 101 фоизга урдалланган.

Шу тариқа хўжаликда рентабеллик даражаси ортиб бориши кузатилаётти. Ваҳолонки, меҳнат фахрийси А.Акрамов эса шикоят хатида бутунлай тескари фикрларни илгари сурган эди. Нега? Жамоа аъзоларининг ҳалол меҳнати эвазига эришилган ютуқларни қўриб кўрмасликка олишга уни ким ва нима мажбур этди?

Шу ўринда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган қўйидаги хулосани келтириш жоиз: «Мен бир нарсанинг тарафдориман: хатбозлик, шикоятбозлик билан шугулланмасдан, керак бўлса мавжуд муаммо ва талабларни мана шундай йўғинларда ҳал қилиш лозим. Хатбозлик бизга ҳеч қачон яхшилик келтирмаган ва яхши-

лик келтирмайди ҳам. У фақат муҳитни бузади. Одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўлади. Оқибатда эл-юртдан фазил, барака кўтарилади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди».

Бу сўзлар ҳар биримизнинг юрагимиздан чуқур жой олди. Назаримизда гина-қудуратлар силсиласига эрк бериб, бир-биримизга тош отишдан тўхтаб, умримизнинг асосий қисминини фойдали ишларга жалб қилсак, аини мудоао бўларди. Уз кадр-қимматини англаш, чуқур ҳис этиш аслида Ватонни, халқни ўйлаган, истиқлол йўлида жон фидо этган болларимиз хотирасини амалий меҳнат билан эъзозлаш эмасми? Бизнингча, Арслон ота ҳам ҳаётимизда ўз бераётган янгилиниш, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, баркамол авлодни тарбиялаш юзасидан қабул қилинган дастурларни рўёбга чиқариш йўлида камарбасталик қилсалар аини мудоао бўлур эди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Тахрир хайъати:  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Экубов, В.Зеров (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама,  
эълонлар бўлими 56-87-63  
Газета 1991 йил 21 мартдан  
чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ қўмитасида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий аҳади 14.002 нусха. Соғулда эркин нарҳда.  
«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Қорқона маҳалли: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 21.00